



ТОШКЕНТ ХАЛҚ ЖАМАКАТЛИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 43 (9539) • 1989 йил 2 март • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Т. ЮНУСОВ:

«ХАЛҚ ФИКРИНИ ИФОДА ЭТСАМ»

ЎзССР Фанлар академияси ўқимликлар мурда-пар хизмисини институтнинг етакчи илмий ходими, коммунист, химия фанлари доктори Т. С. Юнусов 599-Тошкент Куйбисhev сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинди. Бугунги кунда у сайловчилар билан бўлаётган учрашувларда ў сайлов платформасини баён қилмоқда. Мухбиримиз депутатликка номзод билан сўзлашди.

— Темур Собирович, аввало ҳаёт йўлингиз тўғрисида гапириб берсангиз.

— М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети химия факультетини тугатганидан буён ўқимликлар моддалари химияси институтида ишламоқдаман. Шу ерда аввал кандидатлик, сўнг докторлик диссертациясини ёқладим. Ҳозирги пайтда озик-овқат оқсилларининг ноънаввий манбаларининг топши юзасидан тадқиқотлар олиб борётган муваққат илмий коллективга раҳбарлик қиламан. Илмий ишларимиз Бевосита Озик-овқат программаси вази-фалари билан боғланган. 1977 йилдан КПСС аъзосиман.

— Юнусовларни республикада кимдегилар оила сифатида яхши билишди. Сайловдан программанингда социал масалаларни ҳал этишда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш ўз ифодасини тоғмаган!

— Ҳозирги пайтда Озик-овқат программасини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни амалга оширишда илмий тадқиқотлар самардорлигини ошириш муҳим роль ўйнайди. Бизнинг ёшлар илмий коллективимиз Бевосита озик-овқат маҳсулотлари янги турларини яратиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу масалалар меннинг сайловдан программамнинг асосини ташкил қилади.

— Агар сиз СССР халқ депутати бўлсангиз...

— Биринчи навбатда халқ фикрининг ифодачиси бўлардим. Менича, СССР халқ депутатларининг съезиде қабул қилинганда биринчи қонун энг муҳим масалалар юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш бўйича қонун бўлиши керак. Бу сиз халқнинг давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Умумхалқ фикри ҳисобга олинган тақ-

дирдагина биз ўтмишда йўл кўйган хатоларимизни такоррламоқчилигимизга қафолат бўлади. Иккинчи масала — аτροφ-муҳитни муҳофаза этиш муаммосидир. Бугунги кунда экологик аҳоли шу даражага бориб етдики, у ёки бу қорхона кўриш биргина иқтисодий манфаддорлик билан белгиланмайди. Биринчи гада ана шу қорхонанинг атроф-муҳитга таъсири ҳақида ўйлаш лозим. Бунда тор мақамачилик нуқсон назарининг устун бўлишига йўл қўймаслик учун йирик қорхоналарни қурши маселасини ҳал қилишни ишбу министрлик ақи идорига бўйсунадиган мутахассислар баҳолаб беришлари керак.

Республикамиз шароитида сабабот экинлари, боғ, тоқзорлар майдонларини кенгайтириш қораларини қурши жуда муҳимдир. Айна пайтда озик-овқат маҳсулотлари еттиштиришни қўлгайтиришнинг ўзи билан қилгани бўлмайди. Янада муҳими — шу маҳсулотлар сифати, яъни қимиявий моддалардан холи бўлишидир.

Халқимизнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб озик-овқат ва кейта ишлаш саноатини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш керак. Озик-овқат маҳсулотларининг янги турларини яратиш лозим.

— Олим сифатида илмий тадқиқотлар самардорлигини ошириш тусусида қандай фикр-дасис!

— Биз 1981 йилда институтларимизда республикада биринчи-илар қатори комплекс иқтисодий ишлар коллектив ташкил қилган эдик. Икки йил мобайнида ёш олимларимиз жиддий ютуқларни қўлга киритдилар, бу-нинг учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрликларига билан тақдирландилар. Афсуски, институт раҳбарлари 1983 йилда бу коллективимизни тарқатиб юбордилар.

Совет кишилари социал ва ҳўжалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳўкукий қафолатларга эга бўлишлари лозим. Бу қафолатларнинг фақат Совет ҳўкумати ва ҳўкукнинг илмий органи береди. Мен СССР халқ депутатлигига сайланган ҳўкукнинг айна шу қафолатлар берилиши учун етасофия қўрашаман.

— Сўзбати А. Носирова ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ун биринчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнчи сессияси шў йил 6 март кунни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залиде очилди.

Навбатдан ташқари ўнчи сессияга келган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 5 март кун соат 10 ден 19 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинди.

Л. ТОКАРЕВ, И. НОВИКОВ, С. ФЕНОТИК, ЎзТАГ махус мухбирлари.

МЕҲР ВА САҲОВАТ— ИНСОНИЙЛИК БУРЧМИЗ

СОВЕТ ШАҒАҚАТ ВА САЛОМАТЛИК ФОНДИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, кеча облась Совети ижроия комитетининг мажлислар залиде совет шағақат ва саломатлик фондини Тошкент облась бўлимини тасйс этишга бағишланган йилгили бўлиб ўтди. Унда обласьдаги шаҳар ва районлар соғлиқни сақлаш бўлимининг бош врачлари, даволаш муассасалари коллективларининг вакиллари, облась Қизил Ярими жамяти ходимлари, олимлар, колхозчилар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, жангчи-интернационалистлар иштирок этилди.

Инсоннинг инсонга меҳру-оқибати кеча ёки бугун муажасамлашадиган фазилат эмас, — деди йилгили очар экан, облась ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова. Бу хислатлар авлодлардан авлодларга мерос бўлиб қолган энг зарур муҳим аёнанидир. Совет кишилари қайта қўриш жараёнида ана шу фазилатларни тўлароқ намойиш этишмоқда. Зилиладан зарар кўрган Арманистон ҳамда Тоқикистон республикаларига бутун мамлакатимиз кишилари қўрашаётган меҳр-шағақат бундан далолат беради. Айна пайт-борда ҳали жамятимизда, ҳўсузан обласьимизда ҳал этилиши керак бўлган шундай социал масалалар борки, улар биздан янада оқибатлироқ, янада саҳоватлироқ бўлиши талаб этади.

Мажлисда шағақат ва саломатлик облась бўлимини тасйс этишдан кўзда тутилган муҳим вазифалар ҳақида облась соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Матлуба Файзуллаева Бененова доқлад қилди.

Мамлакатимизнинг қатор регионларидеги каби обласьимизда ҳам тинимсиз гамжўрлик қўрашшига, ва сиёили қилишга муҳтожлик сезилатилган ачинади. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари меҳнатта яроқсиз бўлиб тугилганлар, ёлғиз-бўй кексалар сони обласьда икки миңдан кўпроқни ташкил этгани ҳўда уларга 57 нафарига шағақат ҳамшираси дастурин қилаётган билан, албатта, қаноатланиб бўлмайди. Шунингдек, Афғонистонда интернационал бурчини бақаришда мажрўқ бўлиб қолганлар ҳам ачинади. Уларнинг кўплари даволашни муассасаларида муносиб муолажалар олишлари керак.

Фонд ўз амалиётида социалистик инсонпарварлик талабларига амал қилади. Буларга хайрия йўли билан йилдан маблаглар кенсаларга, меҳнатта қўрилянтсиз граждларга, бо-лиқдан инвалд бўлиб қолганларга, табиий офат-

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОШ БЎЎҒИНАЛАРИ

Н. Н. Слюньковнинг Ўзбекистонда бўлиши

28 февраль кун КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков республика пойтахтида В. И. Ленин хайкали пойнта гуллар қўйди.

Шу кун КПСС Марказий Комитетининг секретари Самарқандга сафар қилди. Самарқанддаги «Электрробитмаш» ишлаб чиқариш бirlашмасининг раҳбарлари билан мутақассислари билан биринчи учрашу бўлди. Дастлабки минутларда сўхбат амалий рўхда бориб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг конкрет масалалари ўткир қилиб қўйилди.

Н. Н. Слюньков йилги-ларга завоҳ тарихидеги энг ноҳуш саҳифалардан бирини эслатиб ўтди. Самарқанд гамағиси туширилган холодиликларга магазинларда минг-миңлаб ўймай ётарди, маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисми заводга қайтарилар, жаримлар ортиб бораар, ишчиларнинг маоши қаммайиб кетганди. Марказдагилар йил сайин фақат зарар келтираётган қорхона айна қўйиш тўғрисида жиддий ўйлашаётган эди. Завод ҳелларининг ўзи ҳам эски техника билан жиҳозланган, ниҳоятда ташланди ва қўри-сиз ҳўда эди.

Эндиликда ўша эски заводни тавиб бўлмайди. Аввало унинг кўрсаткичлари бутунлай бошқа бўлиб қолди. Қийсий рақамлар ва фақатларини қўлаб келтиривериб газетонини полицир-майлик. Шунинг айни инфо-рмация ҳўзири бу қорхонанинг маҳсулотни рўзгор холодиликларини мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам қўралланмоқда. Буомларнинг қирқ процентдан кўпроги Самарқанддан Польшага, Венгрия, Хитой, Афғонистон ва Кубага экспорт қилинмоқда.

Корхонанинг бош директори В. А. Чжен эндиликда шикоятлар сони атиги ярим процентни ташкил этаётганига ҳам эътибори қаратди. Бу — умумийтафқоқ даража-сидан пастдир. Аммо бу ҳам чегара эмас. Яқинда директор Самарқанд холодиликлар-ларни ниҳоятда харидоригар бўлган Хитойдан қайтиб келди. Қўшинларимиз завод билан узоқ муддатли шартно-ма тузишни истардилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретарига ҳўзир конвейердан ташаётган бў-юмларнинг намуналарни кўрсатилди. Бу — «Снежинка 3-М» холодиликни бўлиб, у Минск холодиликларидан қолшмайди. Йилги иссиқ регионлар учун бу холодилик қўшимча совутиш агрегати билан чиқарилади.

Корхонадагилар унинг тақ-ри кўришни тўғрисида ҳам яқон кўйдирдилар — холодиликларнинг корпусини харидориниг истагига қўра ҳар қандай ранга бўиш мумкин. Аммо истаган ран-гин эса ҳўзирга харидорларга фақат Тошкентдаги «Зенит» фирма марказидеги тақлиф этишлари мумкин. Марказ бирлашманинг ташаббуси билан очилган.

Истиқболли моделлар тўғ-рисида гап боради. Корхона мутақассислари янги ишлан-маларда завод ходимларига ёрдам бераётган илмий мар-казлар билан алоқа боғлаган. Илмий тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг сек-ретарини хабардор қилди-лар. Чўночи, Ўзбекистон Фанлар академияси полимер-лик химияси ва физика ин-ститутининг лабораториялар-дан бири бирлашма билан шартнома асосида иш олиб бормоқда. Ҳамкорликда қи-зиқарли техникавий ечим топилади — шича-пахта пено-полиуретан билан алмашти-

рилади. Бунинг афзалликлар-и анчагина арзонга туша-ди, энергия кам истеъмол қилинади, камерада совуқ ҳаво сақланади. Айна пайтда пенополиуретан маҳаллий хом ашёдан олинади. Завод Тошкент политехника инсти-туту, республика инженер-лар маркази билан ҳам му-ваффақиятли ҳамкорлик қил-моқда. Янги туркум холо-диликлардан электрон ша-молчи «ишлашга» мажбур этилди. Камера яқини совийди, буғлатиш кам қи-ров тўплайди. Холодиликда-ги ва атрафдаги ҳавонинг исиланиши ҳам фойдалидир. 1991 йилга бориб, қатта қажмдаги икки камерали холо-диликни ишлаб чиқарила бошлайди.

— Бу борада кўп иш қи-либсизлар, — деди Н. Н. Слюньков ва бирлашма би-гани қайси қорхона рақобат қилаётганини сўради. Ҳўзирча ўзимиз билан ўзи-миз рақобат қиламиз, дейди В. А. Чжен. Тармонинг энг яқини қорхоналари билан рақобатлашшига ҳаракат қи-лаямиз.

КПСС Марказий Комитетининг секретари коллектив ўзининг биринчи вазифасини ҳал этганилини — қорхона-ни тағ аҳволдан олиб чи-қиб, ишлаб чиқаришни сақ-лаб қолганили ва экспорт учун маҳсулот етказе бо-шлаганилини мамнуният билан таъкидлайди. Сизлар иккинчи вазифани ҳам му-ваффақиятли ҳал этиласиз-деди.

Самарқанд шаҳри ва об-ластиде бўйлаб сафарда Н. Н. Слюньковга Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Коми-тетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раис Ф. Ҳ. Қўдроров, Самарқанд облась партия комитетининг биринчи сек-ретари А. С. Ироқов ҳам-роҳлик қилдилар.

28 февраль кун Ўзбеки-стон Компартияси Марказий

яхши фирмалар билан бел-лашши осон эмас, албатта. Аммо ҳамма нарса қай да-ражада эканили таққослаш ёрдамида аниқланади. Бизда энг яқини деб ҳисобланган нарса биз билан рақобатла-шаётган қорхоналарга ҳам-иша ҳам яқини бўлавермасли-ги мумкин. Бўзир раҳбарлар-имиз масалани бошқалар-дан ёмон ишламаслигимиз, яна-да яқинроқ ишлашимиз, деган тарада ўртага қўйишга ода-тланб қолишган. Ҳаммадан олдинда бўлишимиз, ҳеч ким биз билан тенгшала олмай-ди, деб гапирадиган раҳбар-лар камдан кам учрайди. Яқон бозорда маҳсулот-нинг рақобатбардошлик да-ражасини нима белгилайди?

Мамлакатдан ташқарида ре-ализация қилинаётган маҳсу-лотнинг яқини салмоғи бел-гилайди.

Сўхбат чоғида «Ноанъан-вий ечимлар» деган ибора тез-тез эшитилиб турди. Бу гап ишлаб чиқариш муаммо-ларини ҳал этишнинг фақат техник ёки технологик во-ситаларигагина тааллуқли эмас. Масалан, КПСС Мар-казий Комитетининг сек-ретари ишчилар озиқ-овқат маҳсулотлари билан қан-дай таъминланаётганлиқлари-ни, меҳнатчиларнинг даст-турхониде гушт ҳам, сут ҳам, янги сабабот ва мева-лар ҳам бўлиши учун нима-лар қилинаётганлигини сў-раб сўриштирдик.

Самарқанд шаҳри ва об-ластиде бўйлаб сафарда Н. Н. Слюньковга Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Коми-тетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раис Ф. Ҳ. Қўдроров, Самарқанд облась партия комитетининг биринчи сек-ретари А. С. Ироқов ҳам-роҳлик қилдилар.

28 февраль кун Ўзбеки-стон Компартияси Марказий

Комитетиде КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси-нинг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзо-лари ва аъзоликка канди-датлари, республика Олий Совети ва Министрлар Советининг раҳбарлиги, облась партия комитетларининг би-ринчи секретарлари, Ўзе-бекистон Компартияси Мар-казий Комитети бўлимлари-нинг мудирилар, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ ўрта Сийсий бўлимининг раҳбарлари билан учрашди.

Ҳўзир қайта қуришни чу-қурлаштириш борасидеги баҳарча иш КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига сайловолди Му-рожаотиномасининг теран таъсирида авж олмақда. Партияимизнинг дилимизга жо бўлган, сафарбар эъти-қ сўзи инқилобий ўзга-ришларни амалга ошириш учун фаол ҳаракатларга даъват этмоқда. Мурожат-нома коммунистлар, СССР халқ депутатлигига номзо-ди қўрашган барча киши-лар зиммасига қатта вази-фалар қўйлади. Ўзбеки-стон ССР партия-ҳўжалик активистлари йилгилининг катташчилари Совет Итти-фоқи Коммунистлар партия-сидан СССР халқ депутат-лигига номзод, КПСС Мар-казий Комитети Сийсий бю-росининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети сек-ретари Николай Никитович Слюньков билан учрашуво-чоғида ана шу фикрни таъ-кидладилар. Учрашув бу-гун Тошкентда бўлиб ўтди.

Л. ТОКАРЕВ, И. НОВИКОВ, С. ФЕНОТИК, ЎзТАГ махус мухбирлари.

Матбуот, ошкоралик, қайта қуриш

Давримиз таркиб топан қўпна тушунчаларни қай-та кўриб чиқишга мажбур этмоқда. Шундай тушунча-лардан бири — матбуот ра-ҳбариятининг — фикр-мулоҳ-залари ва йўл-йўриқларини меҳнатчилар оmmasи та-қазини уқунганиа хизмат ет-қилдиган шунчаки бир восита деган тасаввурдир. Ошқоралик воситаси бўлган матбуот бошқа вазифани ҳам ўз зим-масига олди. Журналистлар халқнинг фикрини ҳам ўз фикрини ҳам ифодалашга ўрганишмоқда. Журналистлар союзига топирилган СССР халқ депутатларининг ўн маддати матбуот вакил-ларининг ҳам сийсий актив-лиқни қайта қуришга зарур эканилигидан далолат беради.

28 февраль кун Тошкент-да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наприёт-тининг клубида мамлакат Журналистлар союзининг СССР халқ депутатлигига номзодларнинг Ўзбекистон Журналистлар союзи ва Тошкент журналистлар таш-калот правленеларининг қўшма пленуми қатнашчилари билан учрашуви бўлди. Пленум ишида Қўзғоғистон, Тоқикистон, Қирғизистон ва Туркменистондан ҳам деле-гациялар қатнашдилар.

Халқ депутатлигига ном-зодлар орасида марказий, республика, облась газе-талари, кўп тиражи газе-талар ва ёшлар газеталари, ахборот агентликлари ва журналистлар вакиллари бор. Номзодларнинг ҳамма-си ҳаммасларига ўзлари-нинг сайловолди сийсий про-граммаларини тақдим эти-дилар. Совет жамятининг ян-дилаш муваффақиятининг асо-сий шарҳларидан бири си-фатида демократия ва ошқо-ралини ривожлантириш ма-салаларига энг кўп даража-да эътибор берилиб, албатта. — Эркинлик тақчил экан, — деди «Известия» газетаси-нинг сийсий обдориси Алек-сандер Бонин. — Биз бошқа соҳаларда ҳам «тақчиллик» сезаверамиз. Биз маданият экологиясини тўғрисида гап-рар эканмиз, журналистнига экологиясини тўғрисида ҳам

гапирадиган пайт келди. Ни-мани ёзиш мумини ва нима-ни ёзмаслик кераклиги тўғ-рисида кўрсатма бериш, дақиқозлик ва бошлиққа ҳос соҳалда шомша-шомлар билан баҳо бериш та-риқдорлари шу пайтгача ка-майямайтили. Матбуот тўғ-рисида қонун ишлаб чиқишли-ни керак. Матбуотнинг вазифа-лари тўғрисида мен лойиҳа нусхаларидан бирида кўр-ганимдек, декларациялар эмас, балки айна қонун зар-ур. Нима қилмаслик — ма-салалар, тузумин ағдаршига даъват қилмаслик, ирчилик ва урушнинг тарғиб этмаслик тўғрисида аниқ-равшан кўрс-атма бериш керак. Қолган ҳамма нарсалар мумкин. «Социализм манфаатлари» қабилидаги муажамл ифо-далар даркор эмас. Чўнки улар мутлақо турлича тақли-ни этилиши мумкин. Нина Ан-дреева ҳам ўзи тушунганидек «социализм манфаатлари» позицияларидан туриб ўз фикрини баён этган эдику, ахир. Бир сўз билан ай-та-дими, журналистлик фао-лиятида қонуннинг аниқ ва конкрет кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

Депутатликка номзод де-мократиянинг юридик га-рантиялари ҳақида гапирди. Кейинги вақтда бир қатор муҳим қонунлар — давлат қорхонаси, кооперация тўғ-рисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди, бироқ улар-да кўпал зоҳорлар бўлиб, ярим-ёрти тусга эга ва нати-жада тўла амалга ошмайпти. — Бизга матбуот тўғ-рисидаги қонун қўл зарурдир, — деди СССР халқ депу-татлигига номзод, «Крас-ноярский комсомолец» ўлка газетасининг редактори Людмила Батинская. — Қо-нун журналистнинг ҳўкук ва вазифаларини аниқ белгилаб бериши, уни ўзбошимчалик ва таъиндан ҳўмоқ қилиши керак. Бундан ташқари, ош-қоралик тўғрисидаги қонун-ни ҳам ишлаб чиқиш лозим. Журналистлар айтиши мар-каздан олсироқдаги журна-листлар «регионал идеоло-гиясин» деб аталмиш ҳўда дўч келмоқдалар. Қайта қу-риш сийсатини ишлаб чиқ-

қан XIX партия конферен-циясининг қарорлари бор. Мазкур қарорлар маҳаллий бошлиққа ёқили ёки ёқмас-лигидан қатъий назар, улар-га амал қилиш зарур. Ош-қоралик фақат Москвага, Қўзғоғна ёки маълум район-гагина ҳос бўлиши мумкин эмас.

Батинская редакция-нишда ҳўжалик ҳисоби му-носабатларини жорий этиш за-рурлиги тўғрисида ҳам га-пирди. Ҳўзир қўпнага газе-талар, айнақса ёшлар газе-талари жуда катта қийинчи-ликларни бошдан кечирмоқ-да. Редакциялар ва наприёт-ларнинг моддий-техникавий базиси давр талабларидан ор-қада қолмоқда.

Бошқа бир номзод, «Со-циалистик Қазахстан» рес-публика газетасининг редак-тори Корик Дуйсеев ҳам шу қаҳда ташвишлили гапирди. — Наприётчилик ишида биз ҳақто учинчи дунь мамла-катларидан ҳам орқада қол-дик, — деди у. Шунинг учун номзод полиграфия ускуна-ларни қорхонасини мудофаа санаотида жойлаштириши тақлиф этди.

Бир вақтинг ўзида ошқо-ралик ва цензура бўлиши имкониятларини аниқ бел-гилаш зарур, деди ўз нутқи-да СССР халқ депутатлигига номзод, «Маягаторский ра-бочий» шаҳар газетасининг редактори Валерий Кучер. В. И. Ленин таъкидлагани-дек, бу жиҳатдан энг кенг ва илгор қонунга биноан суд олдида жавабгарлик доирасидеги матбуот тўғ-рисида эркинлигини белгилаш учун курашиш лозим.

СССР халқ депутатлигига номзод, «Известия» газе-тасининг Ленинграддаги му-хбирлар пункти мудири Ана-толий Ежелев программаси-нинг энг муҳим моддалари-дан бири — турли қонун лойиҳаларига ўтиш йўли билан қонун чиқаришни де-мократиялашга ёришшидан иборат. У СССР халқ депу-татларининг бўлажак съезди муҳофазасига халқ ташаб-бусини тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритиш тақлиф этди. Бу қонун граждлар-нинг тақлифларини кўриб

чиқиш ва эҳтимом, уни амал-га оширишни мажбурий қи-либ қўйган бўлур эди.

СССР халқлари дўстлиги-ни мустаҳкамлашга қўмақ-лашадиган барча нарсалар-ни интернационал позиция-лардан туриб фаол қўлаб-қувватлаш бугунги кунда ҳўкимият олий органининг асоий вазифаларидан бири-дир. СССР халқ депутат-лигига номзод, Украинада чи-қилган «Рабочая газета» республика газетаси бош-редактори Николай Шибин-ининг позицияси ана шун-дай. «Кучли марказ — куч-ли республикалар» принци-пини амалда рўёбга чиқ-ариш, халқнинг энг яқини аёнчаларини, илмий ма-даниятлар ва тилларин ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

СССР халқ депутатлигига номзод, ТАССнинг бош ди-ректору Леонид Кравченко ўз нутқида СССРда яқона ахборот хизматини барпо этиш истикболлар тўғриси-да гапирди. Совет Иттифоқи телеграф агентлиги катта маблаг, валюта маблаглари сарфлаб, йирик ахборот бан-кини вужудга келтирди. Ахборот банкида ҳўзирнинг ўзидаёқ ярим миллиондан ор-тиқ турли хабар ва маълумотлар бор. Аммо ҳақто марказий газеталар, журнал-лар, Телевидение ва радио-ахборотнинг давлат комитети, «Новости» матбуот агентли-ги ҳам ана шу бойликдан деярли фойдаланмайптилар. Ахир уларгина эмас, балки маҳаллий напришлар ҳам ана шу ахборот истеъмолчилари бўлишлари мумкин эди.

ТАССнинг техникавий ба-заси саноқли дақиқаларда ахборотни редакция дис-плетига узатиш имкониятин берадиган системани вужуд-га келтира олади. Йўлдош алоқасининг жаҳон система-сини яратиш тўғрисидаги масала кўп тартибга кири-тилади. Шу йилнинг ўзидаёқ ТАСС СССР Телевидение ва радиоахборотнинг давлат комитети билан биргаликда Москва — жаҳон система-сида ахборот напалатга эга бў-лади.

Л. Кравченко Журналист-лар союзининг роли ва обрў-йўгини ошириш зарурлиги тўғрисида, журналистлар ташкилотиде социал адолат принципларини қарор топ-тириш ҳақида ҳам гапирди. Бошқа номзод, Литва Теле-видение ва радиоахборот давлат комитетининг раис Д. Доминюс Шлюкас бу фикр-ларни ривожлантирди. Бизнинг журналистлар ташкилотини маъносиде иқтисодий жиҳатдан ба-қувват бўлиши керак. Ҳўжа-лик ҳисоби принциплари асо-сида иш олиб бориш зарур. Қўзлаб кооперативлар пла-катлар, график асарлар напри этиб миллион сўмлаб маб-лаг топтомоқдалар. Биз эса қўзғос, наприётларнинг ҳў-қўрларни йўқитилган ноли-моқдамиз. Бунинг учун куч-роқлиш, фаол иш олиб бо-риш зарур.

Бу гап фақат Журналист-лар союзигагина тааллуқли эмас. Масалан, республика-нинг миллионлаб сўм фойда келтираётган мўътараб газе-таси қайсибир бригаддан кўрди қамроқ иқтисодий му-стаҳкамликка эга. Бундай аҳ-волга чек қўйиш керак.

Литвалик журналист ўзин-инг сийсий программасида иқтисодий ташаббусни, бо-зор муносабатларини ҳўмоқ қилишга ва бу соҳалдаги та-жрибани ёйишга, республика ва регион ҳўжалик ҳисо-бининг жорий этишга алоҳида эътибор беради. Шундай қилинган тақдирдагина ма-макат товар тақислигидан кўтүра олиши мумкин, деб қўсаблайди номзод.

СССР халқ депутатлиги-га номзод, «Новости» мат-буот агентлигининг сийсий обдориси Михаил Полтора-нининг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида қонун қабул қи-линиши биринчи тақдирда сийсий заруратларни тақдир-тилла олди. Мазкур қонун маҳсулот ишлаб чиқару-шининг ерининг ва қорхонанинг ҳўжайинлигига қилиб қолмай, шу билан бирга ана шу маҳсулотнинг ҳам ҳўжайин-лига айлантириши лозим. Қонун фойда маҳсулот иш-лаб чиқарушининг ихтиёри-да бўлади, деган гоғиян ял-гари сурарди.

• Визга ёздилар •

• Ҳамза таваллудинини 100 йиллиги олдидан

ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Оқангерон шаҳридаги Муқимий номи 6-ўрта мактабда Ҳ. Ҳ. Нийзийга бағишланган адабий-бадний мунозара кечаси бўлиб ўтди. Мазкур кечани кечани мактаб директори Р. Душобоев очди. Шундан сўнг ўқувчилардан М. Эргашева билан Д. Дарвишева шонининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар. «Адиб» ва «Санъаткор» командалари иштирокда ўтказилган «Биз Ҳамзани қандай таниймиз» мавзудаги ўқир зеки...

М. ҚАЮМОВ.

МАКТАБ ВА БОҒЧА

КЕНИНГИ пайтда пойтахтда кўплаб замонавий мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилди. Уларнинг кўчилигини 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари барпо эттишган. Шу кунларда улар 16-Сергели массивида яна бир 1568 ўқувчи ўринли мактаб биносини қуришяпти. Объектда монтаж ишларини Николай Забинин етакчилигидаги коллектив бригада коллективи олиб борапти. Бинони янги ўқув библиотечаси фойдаланишга топшириш планлаштирилган.

М. ФЕЛЬДМАН.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

4, 13, 22, 29 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

Яздон ХУДОҚУЛОВ асар.

Сайфи ЖАЛИЛ музикаси.

КАМПИР КЕТАРМИШ...

(икки пардали музикали комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Рустам БОБОХОНОВ. Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Наби ХАЛИЛОВ.

Расом — Анатолий СЛУГИН.

РОЛЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Наима ПУЛАТОВА, Адиб МИРЗАЕВА; Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Меҳмон Салимов; Абдуллоҳ МАМАРАСҲУЛОВ, Раҳман СОЛИХОВ, Рустам МАДИЕВ, Соҳиб МАМАЖОНОВ, Феруза НОРҚУЛОВА, Маҳбуба УМАРОВА, Александр БЕКЖОНОВ. Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сазғат арбоби Носир ОТАБОНОВ. Театрнинг бош дирижёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Наби ХАЛИЛОВ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

7, 9, 10 МАРТ СОАТ 19.30 ДА 8, 11, 12 МАРТ 16 ВА 19.30 ДА

«ХАЗИЛ»

ҲАЖВИЯ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Малика АҲМЕДОВА, Дилфруз ЖАББОРОВА. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Рушана СУЛТОНОВА, Элмурод ИСЛОМОВ

Биринчи бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» конкурсининг лауреати

Юлдуз УСМОНОВА

Мирза ХОЛМЕДОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХУҲАЕВ; Лирик хованда — Авазбек МАҲМУДОВ.

Постановачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ЁҚАДИМИ?

ҚИЙИБ КЎРИНГ!

ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ПАЛЬТОЛАРИ АМИНМИЗКИ ҲЕЧ КИМНИ БЕПАРВО ҚОЛДИРМАЙДИ.



Уларнинг моделлари модага мос бўлиб, газламалари ҳам кўнглик дидига жавоб беради. Бирлашма маҳсулотлари билан сиз фирмалар «ЗАРЯ» магазинида танишишингиз, маъмури бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Магазинда қорхона маҳсулотларининг тақриба намуналари мавжуд:

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ АСТАРСИЗ ПАЛЬТОЛАРИ (Ш-1928 модели), тўғри бичилган олачипор драцдан тикилган, егни оригинал конструкцияда. Размерлари 44—48, ўртача нархи 178—216 сўм.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КОСТЮМИ (ШФ-1066), кулранг, тўқизил, жигаранг, ҳаворанг драцдан тикилган. Размери 44—48, ўртача нархи 140—149 сўм.

Шу магазинда қишқи астарли ва астарсиз пальтоларнинг хилма-хиллари мавжуд. Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 41-«а» уй, метронинг «Ойбек» станцияси. Иш вақти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни—якшанба.

ФИРМАЛИ «ЗАРЯ» МАГАЗИНИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ.



АВТОБУС СОВҒА ҚИЛИШДИ

В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университети билан Собир Раҳимов районидagi 35-мактаб-интернат ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Олий ўқув орти комсомол комитети йўлга қўйган бу янги тўғайли интернатда қўлгана тадбирлар ўтказилди. Хусусан, ўқувчиларнинг маданият ва эстетик савиясини ошириш мақсадида бир неча бор ташкил этилган адабий кечалар, турли мавзудаги кўрик-конкурслар, суҳбат давраларида талабалар актив иштирок этдилар. Кабинетлари жиҳозлашга кўмаклашдилар.

— Биз фақат ўқувчилар билан учрашувлар ўтказибгина қолмай, уларда турли касбларга ҳавас уюштириш, жамоат ишларида қатнашувларини таъминлашга ҳам интиламиз, — дейди университет комсомол комитети секретари ўринбосари Раҳман Ҳалимов, — умуман олганда бундай алоқа ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлмоқда.

Университет талабалари ўз укаларига моддий ёрдам бериш борисида ҳам ташаббускор бўдилар. Улар ўтган йили Тюмень области қишлоқларида ишлаб, анчагина маблағ тўплаган эдилар. Ана шу

У. МАНСУРОВА.

ПОРТАХТИНИНГДАГИ Собир Раҳимов районидagi 35-мактаб-интернат ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Олий ўқув орти комсомол комитети йўлга қўйган бу янги тўғайли интернатда қўлгана тадбирлар ўтказилди. Хусусан, ўқувчиларнинг маданият ва эстетик савиясини ошириш мақсадида бир неча бор ташкил этилган адабий кечалар, турли мавзудаги кўрик-конкурслар, суҳбат давраларида талабалар актив иштирок этдилар. Кабинетлари жиҳозлашга кўмаклашдилар.



Х. МИРЗАКАРИМОВ фотосери.



БИРДАН 32-болалар Боғчасининг эшиги очилди. Остонага бир тўда тўрт ёшли болалар ялангоёқ чопиб чиқдиши. Тарбиячилари билан эшикда давра досил қилиб чопишди. Тез орада бир-бирларини туртишиб, қийқириганча ичкарига қайтишди. Уларнинг баъзилари тўплаган қор уюмидан ямалак отишга ҳам улгурдиши. Йўловчилар кўзларини катта-катта очиб, уларга ҳайратланиб қараб қолганди. Ҳатто кимдир: «болаларни шамоллатиб қўйишди-ку, деб бақириб юборди. Менинг саволигимга жавобан боғча мудири С. Л. Сонова шундай деди: — Улар шунга ўрганган.

Бунинг учун ўтган йилнинг ойида ойнадан ҳозирликни бошлаганмиз. Дастлаб Аким Иванович Никулин шундай ташаббус кўтариб чиқди. Болаларни аста-секин совуқ сувда, сўнг яланг оёқ юришга ўргата бошладик. Энди улар ҳар кун

Биз ва болаларимиз ҚОРДА ЯЛАНГОЁҚ

ни бажонидил қорга чопиб чиқишди. Шундан кўриқиб керак эмас. Болаларни ҳеч ким зўрлик билан совуққа олиб чиқмагани йўқ. Бундай чиниқиб фақат ота-оналар мурожаатига кўра, врач назорати остида олиб чиқилди. Улар қорга чиқишдан олдин албатта баданини қиздирувчи жисмоний машғулот қилишди. Шундан кейин ҳам бирдангина кийинишмайди. Олдин совуқ сув кечмишди.

Уларда шундай қилиб боғча врач В. Сергеева ёрдамида касалга чалинмаслик тарбияланади. Чиниқиб гуруҳларида боғчага қатновчи болаларнинг

совуқ суви ванна қабул қила болади.

Унинг боғчагача тарбия вешидилер билан шундай машғулотлар ўтказиш ҳақидаги таклифларига область соғлиқни сақлаш ва меориф органларида мейл билдиришмаганида Никулин бошқалар тасавурида «галати одамлигича қолган бўларди.

Бу таклиф моҳиятини тушушган область спорт комитетида «Саломатлик» кооперативларини ташкил этишди. Мазкур кооператив аъзолари махсус курсларда тренер тайёрлаб, шу методни пропаганда қилишди.

Ҳозир чиниқининг бу янги усулини шаҳарнинг 15 та болалар боғчасида қўллашяпти. Ялангоёқ юриш билан актибинслик минг нафардан ортиқ ҳажми болалар шугулланишяпти.

[«ПРАВДА»дан].

Ишчи назорати комиссиялари ҳаракатда ТЕККАН КАСАЛ ЭКАН

Комиссия аъзолари олдин савдо залини кўздан кечиришди. Моллар бору, баҳорси ёзиб қўйилган ёриқлар йўқ. Харидорлар у ёқ-бу ёққа алағлаб сотувчинини қидиришди. Наҳоят, у пайдо бўлди. Харидорлардан бири коста, иккинчиси холдиликни сўради.

— Ҳозирча йўқ, хабар олиб туринглар, — деди сотувчи мулойимлик билан. Наҳотки, олдий нарсалар ҳам магазинда бўлмаса. Комиссия аъзоларида шубҳа туғилди. Сўнг улар ичкарига киришди. «Хасково» совхозидagi 38-магазин омиборида моллар тахланиб ётарди. Комиссия аъзолари уларни чанка ўтиб турган бўлишига қарамай, бирмабир кўздан кечириб чиқдилар. Қарағи, «ОРС-8» холдиликнинг ҳам, рўзгорбор арзон косалар ҳам бор экан. Сотувчи уларни савдо залига олиб чиқишга эринибди.

— Балки орқа эшикдан устама нарх билан «сув» қилиш пайида бўлишгандир, — деди кимдир.

— Дарров шундай хулосага келмайлик. Валки райондаги бошқа магазинларда бор молларнинг ҳаммаси пештахтага чиқарилаётгандир. Қани ўтиб кўрайлик. Шу тарзда комиссия аъзолари Калинин районидagi бир қатор савдо шаҳобчаларини текшириб чиқишди. Молларни яшириб сотиш ҳамма магазин сотувчилари учун теккан касал экан. Хонобод матбуот жамаитига қарашли 17-магазин омиборидан ўша кунин яшириб қўйилган начка-пачка хинд чойлари, кофе, «Родоп» сиргареталари топилди. Сотувчи Соҳиб Эргашев ўзини оқлаш учун бир наस्ता ўн хил баҳонани қалаштириб ташлади. Ленин ичкаридан яна 27 пинша арақ, 28 пинша вино топилгандан сўнг нафаси ичига тушиб кетди. Чунки, бу магазинда спиртли ичимликлар сотишга рухсат йўқ эди. Чамаси таниш-би-

лишларнинг қўнглини овлайман, деб Соҳиб шундай қилганди.

Комиссия аъзолари «Гунафша» савдо марказидан кофе ва колбаса харид қилиб яна бир гирромлиқни пайқадилар. Савдо ходимлари билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш юритиб ҳам қайтмидан, ҳам тарозидан уриб қолишди. Харид қилган ирис, карамель ва «Қорақум» қайта тортиб қўрилганда бир ҳончудан кам чиқди. Мебель бўлимидаги буюмларнинг эса нархи ёзилмаган. Сотувчилар 7 сўмлик дамоол, 360 сўмлик чет эл гиламин оғналарига келган нархда пуллашяпти.

Область касабасонолари Совети тузган ишчи назорати комиссияси аъзолари Калинин районидан ниҳоятда хабар бўлиб қайтишди. Ахир бундай нопокликка қачон чек қўйилди. Наҳотки, район савдо қорхоналари ходимларида қайта қуриш талаблари қор қилмаётган бўлса? Ж. НОСИРОВ.



ОШХОНА ЭМАС, МЎҶИЗА

ИККИ йирк япон компаниялари «Ошхона муаммолари» ни ҳал этишга азму-қарор қилди. Булардан бири уй-жойларни лойиҳалаш ва қуриш билан шугулланувчи «Мисави Хоум» компанияси бўлса, иккинчиси рекламга муҳтож бўлмаган «Соин» электрон концернидир.

«Мисави» ва «Соин»нинг бирлашган гуруҳи мутахассислар олдига, шу йилнинг охиригача тўла автоматлаштирилган ошхона ансамблини яратиш вазифаси қўйилган. Бунга видеокамералар, ошхонага ўрнатилган барча агрегат ва қурилмалар, шунингдек, печкалар, пиширгичлар, гўшт қайнаткичлар, гўшт қиймалогичлар, миксер-

лар, идиш-товоқ ювадиган машиналар, ҳатто... дивани ҳам назорат қилдирилган масофадан туриб бошқариш пулти кирди. Ансамблининг сўнгги қисми лойиҳачиларнинг фирмача уй бекасига тўла қулайлик яратиш мақсадида қўзғалаб қилинган бўлиб, аёллар бир жойда ўтириб, автоматлаштирилган барча ишнинг видеокамералар орқали кузатиб туришди. Бу қурилмаларни ошхонанинг ўзига ўрнатиш шарт эмас, уни бошқарув пулти билан бирга хоҳлаган хонангиз жойлаштиришингиз мумкин.

Ане шу ошхона мўъжизасининг бутун бошли битта комплекти 3 миллион иенга яқин турди, дейишмоқда. ХАРИДОРЛАР ЁШАРМОҚДА АҚШДА 6 дан 11 ёшгача бўлган болаларнинг 37 фоизи мунтазам магазинлардан ул-бул харид қилиб, уй ишлари билан банд бўлишар экан. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлганларнинг 13

фонзи оқватни ўзи пишириб еса, 8 фоизи бутун оиласи учун тоом тайёрлайди. Бундай мустақил болаларнинг сафи кейинги йилларда ҳам тобора ортиб бораверади. Негаки, 2 мингичи йилга келиб, ишда банд бўлган оналар 65 дан — 75 фоизга етади, дейишмоқда. АҚШда ўтган йили ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ёш америкаликлар бозор «об-хавосиндан ахшигина ха-бардор эканлар ва айрим ҳолларда барча оила аъзоларига рўзгор ишларида ўз ҳўкмиларини ўтказишга ҳаракат қилишар экан. Сўроқ натижаларига кўра, қиз-ларнинг ярами ҳар кунги савдо-сотикни ўзлари қилишларини, 24 фоизи эса, нимани харид қилишни ўзини хал қила-ми, деб айтишган.

Еш америкаликлар ўз пулларига эгелар ва улар бу пулларни мустақил ҳаржлашди. Унинг суммаси йилга 35 миллиардин ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам АҚШда пулни оқилонга сарфлаш илмига алоҳида эътибор беришди.

Жеоматчилик Советининг қабулхонаси: Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Гўдак ўғриси қидирилмоқда



лар ўйинчоғининг расмлари туширилган оқ рангли таглик ва тўқ қизил одеялга ўрланган эди. Аёлининг белгилари: бўйи 160—165 сантиметр, ўртача гавдали, ёши тахминан 30—35 ларда. Юзи думалок, оқроқ, сочлари жигаранг, калта қирқилган, олд сочлари пешонасига тушиб туради, кўзи кўнгиранг рангда, бурни ўртача, оғзи ичкама, ияги тўғри. Табиий мўйнали ёқили жигаранг пальто, қора рангдаги ёки қулранг пошнали этик кийган. Енида сумкаси ва ўнг қўлининг бармоғида тилла ниҳок узуги бор эди. Гўдак ўғриси ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлсангиз милиция бўлимига хабар беришингизни сўраймиз. Телефонлар: 02, 33-84-50, 33-53-04, 62-72-51.

СУРАТДА: номаълум аёлининг тахминий расми.



КАЛИНИН районидagi йилдан-йилга ободлашиб бормоқда. Бу ерда янги-янги маданий-маърифий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда район марказида «Гунафша» чойхонаси ишга туширилди. Қариялар ҳамда ёшларга мўлжалланган ушбу чойхонада истаган пайтнингизда тамақ қилиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. СУРАТДА: «Гунафша» чойхонаси. Р. Шожалилов фотоси.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жеоматчилик Совети навбатдаги қабули бугун — 2 март пайшанба кунин соат 17 дан бошлаб ўтказилади. Бу сарфар меҳнатқиларини жеоматчилик Советининг аъзоси, юрист Абдужалил Ҳасанов қабул қилади.

Жеоматчилик Советининг қабулхонаси: Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Редактор Н. НАСИМОВ.